



Хазирги кунда шахримизда

қўллаб янги корхоналар ашуга келмоқда. Сиз суратда кўриб турган (чада) Зулфия Қадҳорова «Сарвар» фабрикасида ишлабди. Гўлчехра Ҳудойбергано ва эса пойтахтдаги янги очилган жамоалардан бири «Шухрати» корхонасида меҳнат қилади. Айни пайтда бу икки ҳамшаҳримиз ҳам маҳсулотларнинг сифатини қиқшига эришишмоқда.

Қозим Улмасов олган суратлар.



Ғолиблар тақдирланди

ИҲЛОШ Оқунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасида Ёнгил саноат ходимлари кунига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Байрамни корхона директори Рустам Ҳужаев очди.

— Бугунги кунда корхонамизда 632 та ишчи ишлайди. Шулардан 95 фойзи хотин-қизлардир, — дейди Рустам Ҳужаев. — Жамоада 36 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳолда ишчиларга ҳар ойда 100 фойз миқдорда муқофот пули беришга муваффақ бўлиняпти. Касб байрами кунларида 20 та ишчи ва хизматчилар «Туркистон» саройидаги тантаналарда қатнашди. Корхонада 34 йилдан буюн ишлаб келатган ишчи Ёқубхон Исмоловага пул муқофоти ва Ёнгил саноат аълочилиги нишони топширилди...

Ғани ЕСЕНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ МИНГБУЛОҚ КОНИНИ УЗЛАШТИРАЕТГАН НЕФТЧИЛАР ЖАМОАСИГА ТАБРИГИ

Қадри дўстлар! Кўни кеча Мингбулоқ кони қудуқларидан саноат-нефть маҳсулотининг дастлабки оқими чиқа бошлагани ҳақидаги хушхабар ҳаммамизни мамнун этди. Ёқинги энергетика маҳсулотлари халқ ҳужалиги тараққиётида беқиёс аҳамиятга эга. Бинобарин, мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ҳар томонлама юксалтиришда Мингбулоқ нефть конининг алоҳида ўрни ва мавқеи борлиги табиийдир. Шу боисдан ҳам халқимиз бу улкан хазинага, унинг хазинабонларига умид ва ишонч кўзини тикиб турибди. Ана шу ишонч масъулиятини теган англаган

Мингбулоқ конининг кўни мингкилик байналмилал жамоаси Ватан тараққиёти йўлида шижоат ва жонбозлик билан меҳнат қилаётганига барчамиз гувоҳимиз. Сизларнинг кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган машаққатли меҳнатингиз, ақл-заковат ва ирдангиз самарасидан бугунги халқимиз баҳраманд бўлажак. Бу эзгу хизматингиз учун сизларга самимий миннатдорлик билдираман.

Азиз биродарлар! Она Ўзбекистонимиз замини беҳисоб бойликлар маконидир. Бу моддий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни халқимиз ва келажак авлодимиз фаворонлиги, бахт-саодати йўлида хизмат қилдириш ҳар биримизнинг муқаддас Ватан олдидagi фарзандлик бурчимиздир. Бу улғу мақсадни амалга оширишда ҳар қайси юртпарвар фуқаро учун, миллати ва этникидан қатъий назар, ягона Ўзбекистон халқини ташкил этадиган оғалинларимиз, опа-сингилларимизнинг баҳамжихат ҳаёт кечирishi учун бугун биз эришган ютуқ — мамлакатимиздаги ўзаро бирдамлик ва аҳиллик ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Тинчлик, тотувлик, сабр-қаноат бор жойда албатта фойзу барақа бўлади. Шубҳа йўқки, Мингбулоқдаги нефть хазинаси ҳам айни шу олижаноб мақсадларга хизмат қилади.

Сизларнинг барчангизга яна бир нарра ташаккур айтиб, ишларингизга ривож, хондонларингизга осойишталик, бахту саодат тилайман.

НЕФТЬ ЧИҚА БОШЛАДИ

Шу йил 12 июнь кунинанган вилоятидаги Мингбулоқ нефть конида 5222 — 5262 метр чуқурликдан нефть чиқариб олина бошланди.

Дастлабки қудуқдан самарали фойдаланишни ташкил этиш билан бирга бошқа қудуқларни қазитиш ишлари ҳам давом эттирилмоқда.

(ЎзА).

ТУМАН ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ

ШАЙХОҲТОҲУР тумани фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туманда жойлашган корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари қатнашди.

Мажлисда туман ҳокими Адхам Мирзақалиев Ўзбекистон Республикаси Олий Ненгаши XV сессияси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Қаримовнинг сессияда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида гапирди. Нотиқ туманда ҳозир 242 та кичик, 146 та хусусий корхоналар фаолият қўрсатаётганини таъкидлади.

— Ана шу ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар шу йилнинг июнь ойига 9 миллиард 913 миң сумлик маҳсулот ишлаб чиқаришда хизмат қўрсатиши, — деди у. — Бу Утган йилнинг шу даврига нисбатан 15,7 фойз кўпдир.

Музокараларда туманда жойлашган «Усто» бирлашмаси раҳбари А. Умаров, Тошкент метрополитени бўлими бошлиғи Ғ. Соатов ва бошқалар сўзга чиқиб ўз ишларидagi муваффақият ва намчиликлар ҳақида гапирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужали сундининг раиси Роберт Хачатуров қатнашди ва сўзга чинди.

Эсонмурот АННАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Е. М. ЎЗБЕКОВНИ (МАРҲУМ) «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларини қўриқлашда кўрсатган мардлик ва жасорати учун капитан Ермек Мирзақеримович Ўзбеков «Жасорат» медални билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. ҚАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 13 июнь.

Ермек Мирзақеримович Ўзбеков 1964 йилда туғилган. Алматидаги олий чегара командирилик билан жўртини тутган. 1983 йилдан бошлаб чегара қўшинларида чегара заставаси бошлиғининг ўринбосари, заставка бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. Вилондон, иродли зобит сифатида таъинди. Давлат чегарасини қўриқлашни ташкил этишда етарли тажриба орттирди, чегарани бузиб ўтишга уринишнинг олдин олинди бир неча бор шахсан иштирок этди.

«Қизил Юлдуз» ордени, «Давлат чегарасини қўриқлашдаги намунаси учун» медални, I ва II даражали «Чегара қўшинлари аълочили» нишонлари билан мукофотланди.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган пайтдан бошлаб у энг яхши чегара заставаларидан бирига бошчилик қилди. 1994 йилда сўнгги вақтда давлат чегараси энг кўп марта бузилган қийин участкага ўтказилди. Ермек билан бирга унинг рафиқаси ва икки ёш фарзанди ҳам заставкага борди.

Қапитан Ўзбеков 1994 йил 23 февралда чегара соқчилари гарнибиди 2-чегара заставасининг участкасини айланиб юриб, шахсан ўзи чегара бузувчинини қўлга туширди. Чегарани бузувчилар билан ҳарбий тўқнашув натижасида капитан Ўзбеков оғир жароҳатланди ва ҳалок бўлди.

Мустақил Ўзбекистон давлат чегарасини қўриқлашдаги хизматлари учун ва бунда шахсан мардлик ҳамда жасорат кўрсатгани учун Ермек Мирзақеримович Ўзбековга вафотидан сўнг майор ҳарбий унвони берилди. У «Жасорат» медални билан мукофотланди.

Яна учта бино тайёр

«ИЗЗА» даҳасининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа муддат ичида даҳа ҳам бўлига, ҳам энгига анча кенгайди. Яқинда, «Фарос» тижорат-қурилиш фирмаси буюртмаси асосида даҳада яна учта 90 хонали уйлар қуришга фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Ушбу биноларда қурилуш ва тиклаш ишларини 1-ўйсозлик комбинатининг бунёдкорлари олиб боришди. Жамоатчи сўраткан муҳбириниз Сураб Мусаев олган ушбу даҳада қурилушда фаол иштирок этатган элэктр пайвазидан Ойбек Бобожонов тасвирланган. У кўп йиллардан буюн 1-ўйсозлик комбинатига меҳнат қилди.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

ҲАМДУСТЛИКДА

Бугун ва эртага грузин ва абхаз ҳарбий бўлиналари бир-бирига қарши турган Ингури дарёси соҳилларида Россиянинг тинчликни сақлаш кучлари кiritилди. Бу тадбирни амалга ошириш учун грузин ва абхаз ҳарбий бўлиналари қозғиб турган жойлардан 12 километрдан ичкарига олиб чиқиб кетилиши керак.

Икки кун давомида Грузияда Чечен Республикасининг президенти Жохар Дудоев тарафдорлари билан унга қарши муҳофизатчилар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Сўнгги хабарларга қараганда муҳофизатчи кучлар тор-мор қилинган.

Россия Президенти Борис Елциннинг мамлакат шарҳига амалий сафари давом этмоқда. У кеча Ўзбекистонда бўлди. Бугун у Тува пойтахти Қизил шаҳрига келди. Борис Елцин Москвага қайтар экан қисқа муддат Новосибирскда ҳам тўхтади.

Тожикистон маъмурлари билан муҳофизатчилар ўртасидаги музокараларнинг иккинчи босқичи 18 июнда Техронда бошланиши мўлжалланмоқда.

Арманистон билан Грузия жаҳон ҳамжамиятига ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. Улар ҳозирги пайтда қишлоқ ҳужалигини ривожлантириш учун маблағга эга эмасликлари ва ўз мамлакатлари аҳолисини озиқ-овлақ билан таъминлашга қурб келмасликларини баён этдилар.

ХОРИЖДА

Шимолӣ Корея атомдан тинч мақсадда фойдаланишни назорат қиладиган халқаро ташкилот— МАГАТЭдан чиққандлиги ҳақида баёнот берди. Бу Корея ярим оролида ядро хавфсизлиги муаммосини янада кескинлаштириб юборди.

АҚШ Президенти Билл Клинтон билан телефон орқали сўзлашган Корея Республикасининг Президенти Шимолӣ Кореянинг бу қароридан гоят ташвишланганлигини билдирди. Билл Клинтон уни Шимолӣ Кореяга нисбатан босқич-ма-босқич амалга ошириладиган жазо чоралари режаси билан таништирди.

Бугун Брюсселда Россия ташқи ишлар вазирин Андрей Козиров АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер билан Корея ярим оролидаги вазитни мукоама эдилар.

Америка Қўшма Штатларининг Президенти Билл Клинтон Ригага келадиган бўлди. Бу ерда у Латвия, Литва ва Эстония давлат раҳбарлари билан учрашди.

Болгарияда бўлиб ўтган суғориш ва захни қочирish бўйича давлатларро комиссия конференциясида Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этдилар. Мамлакатимиз ҳукумати таваллуҳи бўлмаган бу халқаро ташкилотга аъзо бўлди.

Украина Президенти Леонид Кравчук Люксембургда Ҳамдустлик давлатлари раҳбарларидан биринчи бўлиб Европа Иттифогини билан шериклик ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимни имзолди.

Европанинг қўпгина мамлакатларида Европарламентга сайловлар бўлиб ўтди.

12 июнь кунини Швейцарияда бўлиб ўтган референдумда мамлакат фуқороларининг кўпчилиги жаҳон ҳамжамияти тинчликни сақлаш кучлари учун ўз ҳарбий бўлиналарини аълочилига қарши овоз бердилар. Бу билан улар Швейцариянинг қатъий бетарафлик макомини яна бир бор тасдиқладилар.

Америка Қўшма Штатлари 2004 йилгага ўз кимёвий қурол-аслаҳаларини батамом қўйиши дастурини амалга оширишга киришмоқда. Бунинг учун 8 миллиард доллар сарфлашиши мўлжалланган.

ҒАЛАБА МУБОРАҚ, НАРИМОН!

биятга уриатиб, фохрий шоҳсуланинг биринчи погонасига кўтарилиди. Жаҳон кубоги ғолиби шарафига Ўзбекистон Республикаси байроғи кўтарилди ва мадҳимиз янгради.

Тошкентлик Олег Маскаев эса энг оғир вазиллар баҳсида финалга чинди. У ярим финалда америкалик машҳур боксчи Фишердан устун келганлиги қарамасдан, жароҳат олганлиги сабабли врачлар спортчимизнинг финал учрашувида беллашишига руҳсат бермадилар. Шу тариқа у кучли муш медалга сазовор бўлди.

81 килограмм вазиллар баҳсида қатнашган мамлакатимиз терма жамоасининг энг ёш чарм қўлқоп устаси Темур Иброҳимов бронза медалини қўлга киритди.

Умуманов ҳисобида Ўзбекистон боксчилари жаҳон кубогида қатнашган мамлакатлар ўртасида кучли бешликдан ўрин олдилар.

Мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз кеча Тошкент аэропортида иззат-ғиром билан кутиб олинди.

СУРАТДА: жаҳон кубоги беллашувининг ғолиби ва совриндорлари Тошкент аэропортида.

ЎзА сурати.

МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ

Вазирлар Маҳкамасида давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни маъмур комиссияси раиси, республика бош вазир А. Муталов бошқариб.

Мажлисда комиссия қарорларининг бажарилиши ҳақидаги ахборот тингиланди. А. Муталов давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши ҳақида гапириб, жумладан, бундай деди:

— Давлат тили ҳақидаги қонунин амалга ошириш, афсуски, ҳамма жойда ҳам қўйилмагандайдек борапти, деб бўлмайди. Қўпгина туманларда эски шорлар, лавҳалар ҳамон турибди. Айрим вазирлик ва идораларда ҳам бу муҳим масаллага эътиборсизлик билан қараётганини аниқлади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасида Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги шу йилнинг тўрт ойи мобайнида юборган 129 та ҳужжатнинг бирортаси ҳам давлат тилида ёзилмаган. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулоқоти бошқармаси ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасидан олинган 67 та ҳужжат ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Айрим раҳбарларимизда давлат тилига эътибор борасида миллий гуруҳ, вақтлар-вақтлик, юрғат, халққа фидойилик етишимлаштига ўхшабди.

Мажлисда «Ўзбекистон ҳақиқатлари» миллий азна-компаниясида давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши борасидаги комиссия қарорининг қандай бажарилаётгани муҳокама этилди. Бу ҳақда республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ташқи иқтисодий алоқалар» раисининг ўринбосари Х. Бектемиров, азнакомпания бош директорининг биринчи ўринбосари А. Ғўламатов ахборот берди.

«Ўзбекистон ҳақиқатлари» миллий азнакомпаниясида давлат тилини амалга оширишда қиқшига келган биринчи таъинди, ҳали бу соҳада анча камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Унинг дейиши барча бўлимларида ва ҳудудий бошқармаларида иш фақат рус тилида юритилмаётгани, пойтахт аэропортида эълонлар давлат тилида ўқилмаётгани ва ўзбекча маълумотномалар, лавҳалар етарли эмаслиги қайд этилди. Комиссия маъмур ташкилотда амалга ошириладиган ишларни қонун талаблари даражасида эмас, деб топди ва азнакомпания раҳбариятига зарур чора-тадбирлар зарур вазифасини юклди.

Мажлисда республика Прокуратураси умумий назорат бурқармасининг бошлиғи В. Қосимов давлат тили ҳақидаги қонунга амал қилмаслик ҳоллари ва уларга қарши қўриқлаш чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан комиссия аъзолари П. Қодиров, И. Раҳим, Э. Юсупов, Б. Бойқобилов, М. Абдуллоев, А. Аъзамхўжаев, Э. Ҳўлимов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

ЯНГИ МАТОЛАР

Бу каби янги усунчалар «Тошкент турмушчилик комбинати» ит-газлама ишлаб чиқариши билан шайқошмоқда. Янги ва сифатли газламаларнинг турларини қўллаб ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Масалан, побаачиларда тўқувчилар ишлаб чиқарётган «диагонал» (бўртма қия йўлги газмол) мактоғга сазовор бўлмоқда. Ҳозир комбинат улар билан шартнома тузиш учун музокаралар олиб бормоқда.

АҚШлик буюртмачиларнинг талабларига буюн чинидаги чиқарилган калавалардан «Гулшан» деб номланган газмол ишлаб чиқаришда ва қўллаб экспорт қилинмоқда.

Ҳозир комбинат улар билан шартнома тузиш учун музокаралар олиб бормоқда.

АҚШлик буюртмачиларнинг талабларига буюн чинидаги чиқарилган калавалардан «Гулшан» деб номланган газмол ишлаб чиқаришда ва қўллаб экспорт қилинмоқда.

Узоқ давом этган танаффусдан сўнг яна чиққидан дастурмоқчалар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Баҳодир ОРНОВ.

ЎЗБЕК САНЪАТИ НАМОЙИШИ

«ИНТЕРНЕЙШНЛ калчерал преумушчилик» компаниясининг президенти Джалал Сингх Убрининг тақдирини буюнча Алшери Назимовнинг ўзбек давлат академик катта театри жамоасининг 94 иштирокчиси билан Таиланд мамлакатига сафардан қайтиб келишди.

Таиланднинг энг йилли ишбилармон, импонибиларнинг иштирокчиси билан Назимов театр ижодкорлари илгари Малайя, Сингапур, Гонгконг сингари мамлакатларда гастролда бўлиб, ўзбек санъатини намуналарини намойиш этиб қайтишган эди.

Дустона сафар давомида инкалада давлат театри ижодкорлари илгари Малайя, Сингапур, Гонгконг сингари мамлакатларда гастролда бўлиб, ўзбек санъатини намуналарини намойиш этиб қайтишган эди.

Дустона сафар давомида инкалада давлат театри ижодкорлари илгари Малайя, Сингапур, Гонгконг сингари мамлакатларда гастролда бўлиб, ўзбек санъатини намуналарини намойиш этиб қайтишган эди.

Мурод ҒИХСНЕВ.

Ўзбекистон ва жаҳон илмий ютуқларимиз мавқеи

инсбатан шайқатсизлик бўлур эди. Чунки бунда кўп қурбонлик қилишга тўғри келди. Шунга қўра тажрибахонада липаза ферменти микроорганизмлардан ҳисусан замбурутлардан хулудилан. Бундан таъширлар замбурутлар ушбу ферментни қисқа вақт ичида синтез қилиб беради. Таъширлар натижалари Ҳамдустлик давлатларида ҳам машҳур бўлгани сабабли кутилмаганда Канада миллий академиясига қарали Биотехнология институтининг Монреаль шаҳридаги макромолекулар структураси тажрибахонаси мудир доктор Мирек Циелер Ўзбекистонлик олимлар ишчи қизини қолди ва бу борда ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

Авалгига тажрибахона мудир, профессор Қаҳрамон Давронов, сўнгра илмий ходима Камола Ғуломова Канада бўлиб қайтишди. Сафар натижаларига қўра инкалада томон ягона мақсадда яширилиши — липаза ферментини кристаллаштиришда олиб, унинг молекула тузилишини ҳосса ва хусусиятларига боғлаш ҳолда ўрганишни келиштириш олинди.

Камола Ғуломованинг айтишича ҳамкорликда олиб борилаётган илаланилар фундаментал асосга эга. Бу дегани тадқиқот жараёни халқ ҳужалиғига ҳадибер бирор фойда келтиришни мўлжалламаган, балки барча қаракатлар фақат илм ривож учундир. Зеро, липаза ферменти бугунги кунда халқ ҳужалиғида ўз ўрнини эгаллаб бўлган. Аммо биз учун энг муҳими, Ривожланган хорижий давлатлар олимларининг мамлакатимизда илм аҳли филология бўлган эътибори, ўзаро ҳамкорлик қилишга чорлашдир.

Мурод ҒИХСНЕВ.

